

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ**  
**ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**РАХМОНОВА ХУРШИДА ХАЛИЛОВНА**

**ХУРШИД ДЎСТМУҲАММАД ХИКОЯ ВА ҚИССАЛАРИ БАДИИЯТИ**  
**(образ ва тасвир)**

**10.00.02 – Ўзбек адабиёти**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
philological Sciences**

**Рахмонова Хуршида Халиловна**

Хуршид Дўстмухаммад хикоя ва қиссалари бадиияти (образ ва тасвир) ..... 3

**Рахмонова Хуршида Халиловна**

Художественность рассказов и повестей Хуршида Дустмухаммада (образ и изображение) ..... 25

**Rakhmonova Khurshida Khalilovna**

High artistic value in Khurshid Dustmuhammad's short stories and stories (image and description) ..... 47

**Эълон қилинган нашрлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 51

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ**  
**ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**РАХМОНОВА ХУРШИДА ХАЛИЛОВНА**

**ХУРШИД ДЎСТМУҲАММАД ҲИКОЯ ВА ҚИССАЛАРИ БАДИИЯТИ**  
**(образ ва тасвир)**

**10.00.02 –Ўзбек адабиёти**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/Fil1276 рақами билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент Давлат ўзбек тили ва адабиёти университетидан бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.navoioy-uni.uz](http://www.navoioy-uni.uz)) ва "Ziyo Net" ахборот-таълим порталида [www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz) манзилига жойлаштирилган.


<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Каримов Баҳодир Нурметович</b> филология фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Қувватова Дилрабо Хабибовна</b> филология фанлари доктори, профессор <b>Эшниязова Айимхон Шерипбаевна</b> филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети</b>


Диссертация ҳимояси Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «29» 09 кунини соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Юсуф Хос Хожиб кўчаси, 103 уй. Тел.: (99871) 230-12-91, факс: (99871) 230-12-92, e-mail: [uzswlu\\_info@mail.ru](mailto:uzswlu_info@mail.ru)).


Диссертация билан Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( №839 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Юсуф Хос Хожиб кўчаси, 103 уй. Тел.: (99871) 230-12-91, факс: (99871) 230-12-92, e-mail: [uzswlu\\_info@mail.ru](mailto:uzswlu_info@mail.ru)).

Диссертация автореферати 2021 йил «14» 09 да тарқатилди.  
(2021 йил «14» 09 даги 1 рақамли реестр баённомаси.)



  
**Ш.С.Сирожиidinov**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол. ф.д., профессор

  
**Қ.У.Парлаев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.д., доцент

  
**У.Х.Жўрақулов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, филол. ф.д., доцент

## КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон адабиётшунослигида бадиий асар таҳлиliga оид муаммоларни образлар бадиияти, психологик тасвир нуқтаи назаридан тадқиқ этиш ва уни англаш зарурати филология соҳасида жиддий муаммоларни ҳал қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўймоқда. Айниқса, насрнинг ҳикоя ва қисса жанрларига ҳос адабий ва бадиий канонлар, улардаги адабий қаҳрамонларнинг руҳий дунёсини, ижодкор лабораториясини янгича таҳлиллар ва кузатишлар асосида тадқиқ этиш изчиллик билан давом этмоқда. Адабий жараён эса ҳар доим ижтимоий муҳит, адабий-маънавий, маданий ҳаёт билан бирга ўзгариб боради. Инсониятнинг тафаккури, руҳиятидаги янгиланишлар адабиётда ўз аксини топади. Ёзувчи маҳоратини, унинг ҳаёт воқелигини тасвирлаш услубини, бадиий асарда образлар табиатининг ёритилишини ўрганиш инсоннинг маънавий олами, дунёқараши, тафаккур тарзига ҳос хусусиятларни англашда муҳим аҳамият касб этади. Шу боис адабиётшунослик фани ҳам мунтазам ўз объектига янгича назар билан қараш, наср поэтикасига оид муаммоларни чуқурроқ англаш йўлидан боради.

Дунё адабиётшунослигида насрий асарлар бадиияти муаммоларига ўзига ҳос адабий-эстетик ҳодиса сифатида ёндашиш, ижодкор бадиий маҳоратини очиб бериш, ёзувчи қисса ва ҳикояларидаги образ ҳамда унинг маънавий-руҳий олами моҳиятини теран англаб етиш каби долзарб илмий масала кун тартибига қўйилган. Бундаги энг муҳим жиҳат насрий асарлар поэтикасидаги образ, тасвир, услуб муаммоларини кенг қўламда кузатишга эътибор ортганидир. Ижодкор насри поэтикасини ўрганиш бадиий асардаги устувор ғояларни белгилаш имконини беради.

Истиклол йилларида адабиётшунослигимизнинг илмий-назарий мезонлари асосида замонавий адабий жараёнда ўз мавқеига эга ижодкорлар асарларини теран тадқиқ этиш, бадиий асар поэтикаси муаммолари билан боғлиқ қарашларни муқояса этиш, шунингдек, замонавий ўзбек насри бадииятининг ўзига ҳос томонларини Хуршид Дўстмуҳаммад ижоди мисолида ўрганиш ўринлидир. Адиб ҳикоя, қиссаларидаги янгиланиш, уларга таъсир этган омилларни адабий жараён контекстида кузатиш мақсадга мувофиқ саналади. Зеро, “Адабиёт, санъат ва маданият яшаса, миллат ва халқ, бутун инсоният безавол яшайди!”<sup>1</sup> Адабиётни тарғиб этиш, ёшларимизни китобга муҳаббат руҳида тарбиялаш жамиятимиз олдида турган энг муҳим вазифа саналади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш. Адабиёт, санъат ва маданият яшаса, миллат ва халқ, бутун инсоният безавол яшайди. www.xabar.uz.07.08.2018.

Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”, 2018 йил 5 апрелдаги ПҚ-3652-сон “Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 августдаги Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси, 2020 йил 20 майда Тошкент шаҳридаги Адиблар хиёбонига ташрифи чоғида адабиётнинг таъсир кучини ошириш бўйича топшириқлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Насрий асарлар бадиияти жаҳон адабиётшунослигида муайян даражада ўрганилган. Жумладан, Арасту, В.Ф.Гегель, В.Г.Белинский, А.А.Потебня, М.Бахтин, Ю.Борев, В.Хализев, А.Б.Есин, Л.И.Тимофеев, Н.Д.Тамарченко<sup>2</sup> каби олимларнинг илмий мақола ва тадқиқотларида масаланинг назарий жиҳати ёритилган. Ўзбек адабиётшунослигида ҳам И.Султон, М.Қўшжонов, Б.Саримсоқов, Т.Бобоев, Э.Худойбердиев, У.Норматов, А.Расулов, Қ.Йўлдошев, С.Мелиев, А.Улуғов, Д.Қуронон, Б.Каримов, У.Жўрақулов<sup>3</sup> ва бошқа

<sup>2</sup> Арасту. Поэтика. Ахлоқи кабир. Риторика. – Т.: Янги аср авлоди, 2011; Гегель В.Ф. Эстетика. Санъат ва бадиий ижод фалсафаси. – Тошкент, 2012; Белинский В.Г. Собр. соч. В девяти томах. Т.2. – М.: Худ.лит-ра, 1977; Белинский В.Г. Адабий орзулар. Т.: Ғафур Ғулом, 1977; Потебня А.А. Теоретическая поэтика. – М.: Высшая школа, 1990; Бахтин М.М. Проблемы поэтики Достоевского. – М. Художественная литература, 1972; Тимофеев Л.И. Основы теории литературы. – М.: Просвещение, 1971; Тамарченко Н.Д. Теория литературы. – М.: Академа, 2004; Есин А.Б. Психологизм русской классической литературы. – М.: Просвещение, 1988.

<sup>3</sup> Қўшжонов М. Танланган асарлар. – Т.: Шарқ, 2018; Саримсоқов Б.И. Бадиийлик асослари ва мезонлари – Т.: Фан, 2004. Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1983. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. – Т.: Ўзбекистон, 2002; Худойбердиев Э. Адабиётшунослика кириш. – Т.: Шарқ, 2008; Расулов А. Бадиийлик – безавол янгилик. – Т.: Шарқ, 2007; Йўлдошев Қ. Ёниқ сўз. – Т.: Янги аср авлоди, 2006.; Йўлдошев Қ., Йўлдошева М. Бадиий таҳлил асослари. – Т.: Камалак., 2016; Мелиев С. Сўзу сўз. – Т.: Шарқ, 2020; Улуғов А. Адабиётшунослик назарияси. – Т.: Ғафур Ғулом, 2017; Қуронон Д. Адабиётшуносликка кириш. – Т., Абдулла Қодирий, 2004. Қуронон Д. Адабиёт назарияси асослари. – Т.: Навоий университети, 2018.; Қуронон Д. Адабиёт назарияси асослари. – Т.: Академнашр, 2018; Каримов Б. Рухият алифбоси. – Т.: Ғафур Ғулом, 2018; Жўрақулов У. Қодирий ва роман тафаккури. – Т.: Нурафшон бусинесс, 2020; Расулова У. XX аср ўзбек кинесачилиги. – Т.: Қамар медиа, 2020. Дўсмухамедов Х.Н. Ҳозирги ўзбек хикоячилигида бадиий тафаккур янгиланиши. Филол. фан. номз. ...дисс.– Т.: 1995. Холмуродов А. Ўзбек кинесачилиги: тараққиёт ва муаммолари. Филол. фан. докт

адабиётшуносларнинг монография, илмий адабиётларида ҳикоя ва қиссалар бадиияти, хусусан, бадиий образ, тасвир воситаларига доир илмий-назарий қарашлар ўз ифодасини топган.

Хуршид Дўстмуҳаммад ижоди бўйича ўзбек адабиётшунослигида М.Пирназарова “Ҳозирги ўзбек романларида услубий изланишлар” мавзусидаги диссертациясида ёзувчининг “Бозор” романини, Г.Сатторова “90-йиллар ҳикоячилигида миллий характер муаммоси” мавзусидаги илмий тадқиқотида носирнинг учта ҳикоясини, М.Кўчқорова “Ҳозирги ўзбек насрида бадиий шартлилик” номли докторлик диссертациясининг учинчи бобида адибнинг “Жажман” ҳикояси ва “Донишманд Сизиф” романини неомифологик шартлилик нуқтаи назардан, А.Эшниязова “Истиклол даври ўзбек қиссачилиги ва Хуршид Дўстмуҳаммад ижодининг қиёсий-типологик тадқиқи” номли диссертациясида адиб қиссаларида адабий таъсир масаласини қиёсий-типологик усулда таҳлил қилган<sup>4</sup>. Шунингдек, У.Норматов, Қ.Йўлдошев, А.Улуғов, Ғ.Каримов, Ш.Ризаев, А.Тўйчиев, Ш.Турдимов, Б.Каримов, С.Тўлаганова, Н.Довурбоева, Х.Ҳамроқулова каби адабиётшуносларнинг мақолаларида ёзувчи насрининг айрим жиҳатлари ёритилган<sup>5</sup>. Ушбу тадқиқот ва мақолалар адиб ижодини ўрганишда, ўзига хосликларини белгилашда катта аҳамиятга эга. Лекин Хуршид Дўстмуҳаммад ҳикоя ва қиссалари бирон тадқиқот ва диссертацияларда яхлит монографик тарзда ўрганилмаган. Бу эса адиб ижоди ва унинг ҳозирги адабий жараёнга таъсири масалаларини чуқурроқ ўрганиш кераклигидан дарак беради. Биз ўз тадқиқотимизда адиб ҳикоя ва қиссаларида образлар бадиияти, рамз ва тимсолларнинг поэтик ифодаси, қахрамон руҳияти, ички оламини тасвирлашдаги ёзувчи маҳоратини кузатдик ва тадқиқ этишга ҳаракат қилдик.

Тадқиқотда Хуршид Дўстмуҳаммад ижоди кенг аспектда кузатилиб, бадиият, хусусан, бадиий образ, психологизм, психологик тасвирга доир

---

...дисс. –Т.: 2008; Бобохонов М. Ҳозирги ўзбек қиссачилигида психологизм. Филол. фан. номз. ...дисс – Т.: 2012; Шералиева М. Ҳозирги ўзбек насрида киноя (ижтимоий-психологик омиллари, поэтик тизимдаги ўрни): Филол. фан. б-ча. ф-фа д-ри. (PhD) ...дисс. –Т.: 2017; Холдаров Д. Ҳозирги ўзбек қиссаларида бадиий услуб муаммоси. Филол. фан. б-ча. ф-фа д-ри. (PhD) дисс... –Т.: 2017; Раджапова Ф.А. Истиклол даври ўзбек қиссачилигида услуб ва поэтик тил. Филол. фан. б-ча. ф-фа д-ри. (PhD) ...дисс. – Т.: 2018. Бурханова Ф. Муаллиф адабий-эстетик қарашлари ва ижодий параллелизм (Назар Эшонкул ва Улуғбек Ҳамдам ижоди мисолида). Филол. фан. б-ча. ф-фа д-ри. (PhD) ...дисс. – Т.: 2019; Расулова У.Й. XX аср ўзбек қиссачилиги (поэтик изланишлар ва таракқиёт тамойиллари). Филол. фан. д-ри. (DSc) дисс. – Т.: 2020;

<sup>4</sup>Пирназарова М. Ҳозирги ўзбек романларида услубий изланишлар. филол.фан. номз. дисс – Т.: 2006; Сатторова. Г. 90-йиллар ҳикоячилигида миллий характер муаммоси. филол.фан.номзод. дисс. Автореф. – Т.: 2002; Кўчқорова М. Ҳозирги ўзбек насрида бадиий шартлилик. филол.фан.док. (DSc) дисс. – Т.: 2020; Эшниязова А. Истиклол даври ўзбек қиссачилиги ва Хуршид Дўстмуҳаммад ижодининг қиёсий-типологик тадқиқи. Филол. фан. PhD дисс. – Т.: 2020.

<sup>5</sup> Норматов У. Ҳаёт-мамот мушоҳадалари // ЎзАС газетаси 2006, 23 июнь. Йўлдошев Қ. Кичик жанрдаги катта ютуқлар // Ёниқ сўз. – Т.: Янги аср авлоди. 2006.–Б.130-138. Абдулла Улуғов. Қиссаларда қалб акси.// Шарқ юлдузи. 2011.№4. Тўйчиев А. Миллий характер яратиш йўлида // Жаҳон адабиёти. 2007. №7. – Б.155-159. Каримов Б. Координаталар текислигидаги уч ҳикоя ёхуд эпик тасвир мувозанати // Руҳият алифбоси. – Т, Ғафур Фулом. 2018. – Б.36-45; Ризаев Ш. Яхши “ёмон” одам ёхуд янгиланган реализм // Шарқ юлдузи. 2011. №3. – Б.157-163; Тўлаганова С. Катта адабиёт орзуси // Жаҳон адабиёти. 2012.№5. – Б.173-208; Довурбоева Н. “Жажман”нинг жилвалари // Ёшлик. 1991.№5. – Б.42-43; Ҳамроқулова Х. Абадиёт мавзуси // Жаҳон адабиёти. 2007. №11. – Б.171-174.

қўйилган муаммога дунё ва ўзбек адабиётшуносларининг қарашлари ўрганилиб, тегишли хулосаларга келинди.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги** Диссертация Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Замонавий ўзбек адабиёти ва адабий жараёни ўрганишнинг илмий-назарий муаммолари” мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Хуршид Дўстмуҳаммад ижодининг бетакрор бадиий хусусиятларини аниқлаш, хусусан, адибнинг ҳикоя ва қиссаларидаги тарихий шахс образи ҳамда замондош инсон қиёфасининг ифодаси, рамзлар замирига сингдирилган маъно қатламлари, психологик тасвир воситаларининг бадиий матнда акс этиши ҳамда ёзувчи услубининг ўзбек адабиёти ривожига муносиб ўрни ва аҳамиятини очиқ беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

илмий адабиётларда бадиий образ ва тасвирга оид қарашларни умумлаштириб, Хуршид Дўстмуҳаммад насрини шу аспектда текшириш ҳамда образлар табиати, таснифидан келиб чиқиб, ижодкор адабий-эстетик қарашларини илмий асослаш;

адибнинг бадиий тасвирлаш тамойиллари, ўзига хос услубини аниқлаб, адабий таъсир, муштараклик хусусиятини аниқлаш;

ёзувчи ижодида психологизмнинг қаҳрамонлар руҳияти ва ички дунёсини очувчи восита сифатидаги шакллари, усул ва йўсинларини очиқ бериш;

давр ва шахс муносабатлари муаммосини тарихий ва замондош образлар тафаккурига таъсири масаласини далиллаш;

носир ижодида рамзий-фалсафий талқин ва метафорик тасвир усулларининг индивидуаллигини ҳикоя ва қиссалар таҳлили асосида очиқ бериш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Қазо бўлган намоз”, “Тўхтабойнинг бойликлари”, “Жажман”, “Жимжитхонага йўл”, “Саф”, “Васий”, “Беозор қушнинг фарёди”, “Қоялардан баландда”, “Шабада”, “Қичқирик”, “Жоди”, “Ёлғизим – сиз”, “дарахт” номли ҳикоялари ва “Сўроқ”, “Куза...”, “Катта кўча”, “Ҳижроним мингдир менинг”, “Мен – сенсиз, сен – менсиз”, “Ёлғиз” қиссалари олинди.

**Тадқиқотнинг предмети**ни Хуршид Дўстмуҳаммад насрининг жанрий хусусиятлари, ҳикоя ва қиссаларидаги образлар табиати ва тасвир услубининг ўзига хослиги, психологик таҳлил усуллари, портрет ифодаси, пейзаж тасвири, рамзлар орқали бадиий-фалсафий талқиннинг ёритилиши масалалари ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация мавзусини ёритишда герменевтик, психологик, қиёсий-типологик, таснифлаш таҳлил усулларидан фойдаланилди.



**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

адабиётшуносликда насрий асарлар поэтикасига доир назарий хусусиятларга аниқлик киритилиб, Хуршид Дўстмуҳаммад ҳикоя ва қиссалари асосида тарихий ва бадиий образлар табиати, бадиий матндаги тасвир усулларининг ўзига хослиги очиб берилган.;

адибнинг асарларида янги типдаги қаҳрамоннинг индивидуаллиги ва бадиий умумлашмалар, ҳозирги давр глобаллашувининг инсон ахлоқи, руҳияти, дунёқараши, умуман, маънавиятига таъсири бадиий образлар моҳияти асосида далилланган;

ҳикоя ва қиссалардаги рамзлар, метафорик образлар, адабий-фалсафий талқинлар, ижодкор услубида янгиланаётган реализм, модернизм йўналишининг хусусиятлари намоён бўлганлиги ҳамда бадиий асарда психологик тасвирнинг етакчи унсурлари аниқланган;

Хуршид Дўстмуҳаммад ижоди ва ўзбек адабиётининг таниқли адиблари асарлари қиёси натижасида психологик тасвирдаги фарқли ва ўхшаш жиҳатлар, услубий янгиланишлар аниқланди ва халқ оғзаки ижодидаги мифологик образлар ва фольклор мотивларидан, жаҳон адабиёти адиблари асарларидан носирнинг ижодий таъсирлангани мисоллар асосида исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

истиклол даври адабиётида жанрлар такомилидаги ўзгаришлар, поэтик тасвирнинг ўзига хослиги Хуршид Дўстмуҳаммад асарлари мисолида очиб берилган;

адиб асарларидаги образлар табиати, уларда миллий ва умуммбашарий кадриятларнинг уйғунликда ифодаланиши, тарихий шахс образи ва замондош инсон қиёфасининг бадиий асарда тасвирланиши илмий далилланган;

ёзувчи қиссалари замиридаги рамзий қатлам, адабий-фалсафий талқиннинг индивидуаллиги мисоллар асосида очиб берилган;

адиб ҳикоя ва қиссаларининг китобхон томонидан қабул қилиниши, бу жараёндаги мураккабликлар, носирнинг бадиий образ яратиш маҳорати ва ўзбекона ифода имкониятларини кенгайтиргани, жаҳон адабиётидан ижодий таъсирланиши, инсон ва табиат муносабатларида янгича мавзу ва ғояларнинг талқинларига баҳо берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Хуршид Дўстмуҳаммад ижодида Шарқ ва Ғарб анъаналарининг адабий таъсири масаласи ўрганилгани, фольклор ва мумтоз анъаналарнинг муштараклиги очиб берилганлиги, тадқиқ усулининг илмий мақсадга йўналтирилгани, бадиий образ, психологик тасвирга оид илмий-назарий манбалардан фойдаланилгани, республика ва халқаро илмий конференция материаллари тўпламлари, хориж ва республика илмий журналларида чоп этилган мақолалар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ҳикоя, қисса жанри, генезиси, образ поэтикасига доир назарий қарашларни бойитиш, хусусан, Хуршид Дўстмуҳаммад асарларидаги образлар бадиияти, тасвир ифодаси масаласининг ўрганилиши, тадқиқот натижалари, ундаги таҳлил усуллари, чиқарилган назарий хулосалар ҳозирги ўзбек адабиёти ва адабий жараёни янада бойитишга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ундан насрий жанрларга мансуб бадиий асарларни таҳлил қилиш, ўқув ва услубий адабиётлар яратишда, шунингдек, олий ўқув юртларининг филология факультетларида махсус курс ёки семинар машғулотлари мазмунини бойитиш, малакавий битирув ишлари, магистрлик диссертациялари ёзишда, миллий ва маънавий кадриятларимизнинг аҳамияти ҳақида маърузалар тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Хуршид Дўстмуҳаммад ҳикоя ва қиссалари бадиияти тадқиқи бўйича олинган илмий натижалар асосида:

адиб ҳикояларида қадимги туркий халқлар адабиёти, хусусан, “Авесто” тарихий манбасида ифодаланган Зардушт бобо образи, халқ оғзаки ижодидаги мифологик тасаввурлар ва қорақалпоқ фольклори мотивларидан ижодий таъсирлангани ҳақидаги илмий хулосалардан ФА-Ф-1-005 рақамли “Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослик тарихини тадқиқ қилиш” (2017-2020 йй.) мавзусидаги фундаментал лойиҳанинг назарий қисмида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтининг 2021 йил 11 майдаги 135/1-сон маълумотномаси). Натижада ўзбек ва қорақалпоқ адабиёти насрида фольклоризм унсурлари, мифологик образлар, миллий урф-одатлар, кадриятлар, муқаддас қушлар ҳақидаги мифологик ва диний қарашларнинг ўзаро қиёсий-типологик тарзда талқин этилганлиги ҳақидаги илмий-назарий маълумотлар билан бойишига асос бўлган;

туркий халқлар адабиётининг бир бўлаги бўлган ўзбек адабиёти, хусусан, истиклол даври ўзбек адабиётини ўрганишда истеъдодли адиб Хуршид Дўстмуҳаммаднинг ўзига хос бадиий-ижодий услуби, мавзу, ғоя, қаҳрамон муаммосини ўрганиш масалалари, рамзийлик, теран руҳий тасвир, назарий хулосаларидан Туркия давлати Артвин Чорух университетида бажарилган 2013.S.23.02.15 рақамли “Pirimkul Kadırov'un Romanları Üzerine Bir İnceleme” мавзусидаги фундаментал лойиҳанинг назарий қисмида фойдаланилган. (Туркия давлати Артвин Чорух университетининг 2021 йил 18 июндаги Е3545-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳа насрий асарлардаги образлар бадиияти, рамзлар, метафорик тасвирларга доир илмий-таҳлиллар билан бойиш имкониятига эга бўлган.

насрий асарлар бадииятини ўрганиш масаласи ва тамойиллари, хусусан, Хуршид Дўстмуҳаммад ҳикояларининг бадиий хусусиятлари, ёзувчининг

Ўзига хос услуби, ҳикоя ва қиссаларидаги психологик тасвир етакчилиги ҳақидаги таҳлилий, илмий хулосалардан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Наср кенгаши ҳисобот йиғилишларида, ижодий тадбирлар дастурларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 2021 йил 10 июндаги 09-32/17-сон маълумотномаси). Натижада ижодий тадбирлар ва Наср кенгаши ҳисоботи учун тайёрланган материалларнинг мазмуни назарий ва амалий маълумотлар билан бойитилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 3 та республика ва 4 та халқаро илмий-амалий анжуманда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 20 та илмий мақола chop этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини chop этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та илмий мақола (9 таси Республика, 3 таси хорижий журналларда) нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Тадқиқот кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 156 бетдан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти, предмети, илмий янгилиги ва амалий қиммати ёритилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқотнинг жорийланиши, натижаларнинг эълон қилинганлиги ҳамда диссертация тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг **“Насрий асар бадииятининг илмий-назарий асослари”** деб аталган дастлабки боби икки фаслдан ташкил топган. **“Адабиётшуносликда насрий асарлар бадииятини ўрганиш масаласи”** деб номланган илк фаслида бадиият илми ва унинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланган образ ва тасвир масаласининг жаҳон адабиётшунослигида ўрганилиши, адабиётшунос олимларнинг назарий фикр ва талқинлари умумлаштирилиб, Хуршид Дўстмуҳаммад ижодини тадқиқ этишдаги методологик аҳамияти ёритилган.

Насрий асарлар бадиияти қадим даврлардан то ҳозирга қадар турли усулларда таҳлил, талқин қилиб келинмоқда. Немис файласуфи Фридрих Гегельнинг санъат ва бадиий ижод ҳақидаги фикрлари поэтика, шунингдек, бадиият илмининг ривожига алоҳида ўрин тутади. Унинг фикрича, символик шакл, рамзий белгилар шарқ образларига мансубдир. Гегель бадиий асарлар ҳақида қуйидагича ёзади: “Халқлар бадиий асарларида ўзларининг сермазмун ботиний мушоҳада ва тасаввурларини мерос қилиб қолдирганлар, шунинг учун кўпинча санъат уларнинг донишмандлиги ва тақводорлигини тушунишда калит, баъзи халқларда чинакам ягона калит бўлиб хизмат

қилади”<sup>6</sup>. Дарҳақиқат, бадиий адабиёт муайян бир халқнинг турмуш тарзидан, урф-одатларидан, қадриятларидан, тафаккур даражасидан хабар беради. Ҳар қандай бадиий асар ўз даври, халқи, муҳитига дахлдор, ўзига хос алоҳида тарихий ва бадиий-эстетик тасаввурлар, мақсадлар билан боғланган бўлади.

Рус адабиётшуноси В.Белинский маълум бир халқ образини яратишда ўша халқнинг фикрлаш тарзи, дини, тили билан биргаликда урф-одатлари ҳам муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлаб: “Урф-одатлар халқнинг қиёфасидир, уларсиз халқ – қиёфасиз образдир”<sup>7</sup>, – деб ёзади. Тадқиқотимиз объекти саналган Хуршид Дўстмуҳаммад ижодида ҳам миллий ва умуминсоний қадриятлар, урф-одатлар халқ қиёфасини яратишда алоҳида мавқе эгаллайди. Носирнинг “Беозор қушнинг фарёди” ҳикоясида Қадриянинг онаси, “Шабада” ҳикоясида Мирсайид тоға, “Васий”да йигит, “Саф”да Райим чол образлари миллийликни, халқимизга хос муқаддас қадриятларни, одамгарчиликни улуғлайдиган инсонлар сифатида тасвирланган.

Адиб мавжуд анъаналар асосида яшайдиган инсонлар билан биргаликда рамзий маъно ташувчи образларни ҳам яратади. Масалан, “Жажман”да тасвирланган бозор – ҳаёт, жажман – нафс, Зардушт бобо – эътиқод, “Қоялардан баландда” ҳикоясида тасвирланган бургут инсондаги куч-қудрат, чексиз имконият, “Жимжитхонага йўл”да Зоҳид Яқин – шукроналик, сабр-тоқат, “Қичқирик”даги анҳор – синов, имтиҳон, “Саф”даги узун саф, қатор – инсоннинг умр йўли, “Шабада”да олов – жазо, “Сўроқ” қиссасидаги завод – дунё хаёли, келгинди махлуқлар – виждон, тун – ўз-ўзини тафтиш қилиш учун берилган имконият, “Куза...”даги сув – назар-эътибор, инсоннинг нигоҳи, “Ёлғиз”да Абдулла – маърифат рамзидир. Адабиётшунос Тамарченконинг сўзларига кўра, “ифоданинг истиорали усули, яъни сўз маъносини бошқа предметга кўчириш, шама, киноя ёки рамзларнинг яратилиши – буларнинг ҳаммаси мумтоз риторикага мувофиқ расмий ва кундалик нутқдан фарқ қилувчи нутқни яратувчи усуллардир”<sup>8</sup>.

Насрий асарлар бадииятининг ажралмас қисмларидан яна бири бу бадиий асарда ифодаланган тасвирдир. Бадиий тасвир образлар воситасида ифодаланади. Шундай экан, бу икки тушунча бир-бирига чамбарчас боғлиқдир. Бадиий асарларда образлар, адабий қаҳрамонлар яратиш ва уларнинг табиати, психологиясини очиш бевосита ёзувчи яратган тасвирларда, айниқса, психологик тасвирларда намоён бўлади. Психологизм, психологик тасвир, психологик таҳлил тушунчалари ҳақидаги адабиётшунос олимларнинг илмий-назарий қарашлари ўрганилиб, умумлаштирилди ва адиб Хуршид Дўстмуҳаммад асарлари шу асосда тадқиқ қилинди.

<sup>6</sup>Гегель Г.Ф.В. Эстетика. Санъат ва бадиий ижод фалсафаси. – Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2012. – Б.17.

<sup>7</sup>Белинский.В.Г. Адабий орзулар. – Т.:Ғафур Ғулом, 1977. – Б.6 - 7.

<sup>8</sup>Тамарченко Н.Д. Теория литературы. – М.:Академа, 2004. – С.143.

“Ёзувчи инсон индивидуаллиги структурасини тушуна олиши бадий асарларда психологик тасвирни юзага келтиради... Баъзи ҳолларда ёзувчи-психологнинг усталлиги унинг психик ҳодисаларни акс эттириб бера олиш қобилиятида кўринади”<sup>9</sup>. Психологик тасвирда индивидуаллик бевосита муаллиф мулоҳазаси ёки қаҳрамоннинг ўз-ўзини таҳлил қилиш шаклида ёки қаҳрамонлар мимикаси, хатти-ҳаракатини кўрсатиш шаклида амалга оширилади. Индивидуаллик муаллифнинг “Қазо бўлган намоз” ҳикоясида Миркомилбойнинг сўзлари, унинг нутқи, “Васий” ҳикоясида йигитнинг хатти-ҳаракатлари, “Жоди” ҳикоясида Жозефнинг хотиралар оқими, “Ёлғизим – сиз” ҳикоясида Достоевскийнинг фикр-ўйлари, ўйчан нигоҳи, “Шабада” ҳикоясида Комроннинг туйғулари ва эътиқодсизлиги, “Сўроқ” қиссасида Бозорбой ўз-ўзини тафтиш қилиши, сўроққа тутиши, “Катта кўча”да Алиевичнинг ташқи қиёфасидаги ўзгаришлар, “Куза...”да уч дўстнинг “онг ости оқими” ва муаллиф мулоҳазаси орқали намоён бўлади.

**“Ўзбек адабиётшунослигида насрий асарлар бадийятига хос тамойиллар талқини”** деб номланувчи иккинчи фаслида ўзбек адабиётшунослигидаги насрий асарлар бадийяти таҳлиliga, хусусан, образлар табиати, унинг ўзига хос хусусиятлари, метафорик белгилари, бадий матнда тасвир воситалари, қаҳрамон руҳиятини очиб бериш масалаларига доир адабиётшунос олимларнинг илмий-назарий қарашлари, фикрлари ўрганилиб чиқилди ва мавзу объекти доирасида умумлаштирилди.

Адабиётшунос М.Қўшжонов Қодирий ижодини таҳлил қилар экан шундай ёзади: “Етук ижод қимматини белгилаш учун одатда бадийнинг ҳар хил талаблари нуктаи назаридан таҳлилдан ўтказиб кўрамиз. Маънонинг ҳаққонийлиги, характерларнинг ёркинлиги, пафоснинг юқорилиги, зиддиятларнинг кескин ва мантиқийлиги, композициянинг пишиқлиги, сюжетнинг ўзига хослиги, тилнинг жозибалилиги ва ҳоказолар. А.Қодирий романлари шу йўсинда тадқиқ қилинса, улар талабга тўла бардош бериши аниқ. Бироқ, адиб романларининг фазилати, нафосати – миллийлик, миллий руҳнинг акс этишидир”<sup>10</sup>. Хуршид Дўстмуҳаммад ҳам ўз асарларида бадий образ яратар экан, уларнинг маънавий савиясига, миллий ва умумбашарий руҳнинг ифодаланишига алоҳида эътибор қаратади. Унинг асарларида ўзбек халқига хос фазилату камчиликлар бор-бўйича акс этган.

Адиб ижодининг дастлабки босқичдаги асарларида, хусусан, “Саф”, “Этакдаги уй”, “Васий”, “Маҳзуна”, “Жажман”, “Қазо бўлган намоз”, “Тўхтабойнинг бойликлари”, “Беозор кушнинг фарёди” ҳикояларида миллийлик, миллий қадриятлар, урф-одатларнинг улуғланиши, соф ўзбекона руҳнинг етакчилик қилганлиги кузатилса, кейинги давр босқичидаги асарларида, айниқса, “Шабада”, “Жим ўтирган одам”, “Ёлғизим – сиз”, “Жоди” ҳикоялари, “Куза...”, “Катта кўча”, “Ҳижроним – мингдир менинг”, “Мен – сенсиз, сен – менсиз”, “Ёлғиз” қиссаларида инсон, унинг туйғулари, орзу-хаёллари, армонлари, фикрлари, тафаккури, борингки, инсоннинг ўзи

<sup>9</sup> Есин А.Б. Психологизм русской классической литературы. – М. Просвещение. 1988. – С. 9-10.

<sup>10</sup> Қўшжонов М. Ўзбекнинг ўзлиги. – Т.: Абдулла Қодирий, 1994. – Б.114.

бош қадрият даражасига кўтарилади. Бу типдаги асарларида адиб инсон туйғуларининг кузатувчиси, кўнгил тебранишларини, кайфият ва унинг натижасида келиб чиқувчи фикрларни текширувчи, рухият қатламларини тадқиқ этувчи, бир сўз билан айтганда, инсонни мураккаб ракурсларда тасвирловчи ижодкорга айланди.

Бадиий образнинг муҳим хусусияти ҳисобланган метафориклик адиб ижодида алоҳида мавқе эгаллайди. Адабиётшунос олим Б.Саримсоқов бу тушунча ҳақида шундай ёзади: “Бадиий кўчимлар ичида метафора (истиора) жуда катта ўрин эгаллайди... Сўзнинг истиоравий кўчимига асосланган бадиий тасвир ва ифодаси ўта даражада фавқулоддалик касб этади. Натижада, вужудга келган образнинг таъсирчанлиги юксак бўлади”<sup>11</sup>. Таниқли адабиётшунос Д.Қуроноф: “метафориклик” деганда бадиий образнинг бир нарса моҳиятини бошқа бир нарса орқали очишга интилиши, санъатга хос фикрлаш йўсини тушунилади”<sup>12</sup>, – деб изоҳлайди. Кўринадики, ёзувчи воқеликдаги нарса-ҳодисанинг ҳаммага маълум ташқи ўхшашлигига эмас, балки одамлар назаридан яширин ички ўхшашлигига таянган ҳолда фикрлайди. Масалан, Чўлпон гўзал образи ва инсон эрки – озодлиги, А.Қаҳҳор халқни алдаётган Амин, мансабдор шахс образлари билан ўғрилар, А.Орипов тилла балиқча билан ўз қобиғига ўралиб яшаётган одамлар, С.Аҳмад онгсиз йиртқич ҳайвон бўри билан ўз юртидан, иймон-эътиқодидан мосуво бўлган Бўривой образи ўртасида ўхшашликлар топади. Ўз навбатида Хуршид Дўстмуҳаммад ҳам “Жажман” ҳикоясида бозорга кириб, ҳамма озуқани еб битираётган тўртоёқли махлуқ билан инсоннинг битмас-туганмас нафси, “Қичқирик”даги анҳорнинг кучли оқими ва ҳаётнинг бешафқат синовлари ўртасидаги ўхшашликни топиши – метафорик фикрлаш натижасидир.

Тадқиқотда бадииятнинг муҳим жиҳатларидан бири бўлган тасвир масаласининг ўзбек адабиётшунослигида ўрганилишига алоҳида тўхталинди. Бунда пейзаж, психологик тасвир, қаҳрамон ички дунёси, ёзувчи услуби бир-бирига уйғун ҳолда ўрганилган. Пейзаж масаласи бўйича адабиётшунос Э.Худойбердиев шундай ёзади: “Табиат манзараси тасвирдан турли хилдаги мақсад кузатилади. У гоҳ воқеа содир бўлган фаслни билдиради, гоҳ қаҳрамонлар кайфиятини очишга ёрдам беради, гоҳ асар воқеаларини бир-бири билан боғлаш вазифасини ўтайди”<sup>13</sup>. Тадқиқот ишида адиб асарларидаги пейзаж тасвирига қаҳрамон рухиятини очиб бериш ҳамда табиат манзараси замиридаги рамзий маъно ифодаси ёритиб берилди.

Диссертацияда адиб ижодини тадқиқ қилишда замондош ижодкорлар асарларига ҳам муносабат билдирилди. Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Қичқирик” ҳикоясида Султон сув оқимига қарши сузса, Улуғбек Ҳамдамнинг “Пиллапоя” ҳикоясидаги йигит образи одамлар оқимига қарши юриб пиллапоя зиналаридан юқорига кўтарилади. Султоннинг мақсади –

<sup>11</sup>Саримсоқов Б. Бадиийлик асослари ва мезонлари. – Т.: Фан, – Б.43.

<sup>12</sup>Қуроноф Д. Адабиётшуносликка кириш. – Т.: Абдулла Қодирий, 2004, Б.66.

<sup>13</sup>Худойбердиев Э. Адабиётшуносликка кириш. – Т.:Шарқ, 2008 – Б. 99.

сувда чўкиб кетган сариқ кўйлакли келинчакни топиш. Йигитнинг мақсади пиллапоянинг энг юқорисига чиқиб, манзилнинг охирига етишдир. Ҳар икки ҳикоянинг қаҳрамонлари ўз мақсадлари сари оқимга қарши юриб мақсад-манзилга интилаётган образлар сифатида тасвирланади.

Кўринадики, насрий асарлар бадииятида инсоннинг қай йўсинда тасвирланиши, образлар замирига сингдирилган рамзийлик, муаллиф маҳорати, ифоданинг янгича усуллари муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқотнинг иккинчи боби **“Хуршид Дўстмуҳаммад ҳикояларининг бадиий хусусиятлари”** деб номланган. Бобнинг **“Образлар бадиияти”** деб номланган биринчи фаслида Хуршид Дўстмуҳаммад ҳикояларидаги тарихий ва бадиий образлар ҳамда уларнинг индивидуал табиати, рамзий образлар орқали адабий-фалсафий маънонинг ифодаланиши, фольклоризм унсурлари, миллийликнинг кадрланиши, глобаллашиб бораётган замонда инсон маънавий-руҳий оламининг ўзгаришларга учраши каби масалалар бадиий таҳлил қилинган.

Адиб ҳикояларини шартли равишда мавзу жиҳатдан қуйидаги гуруҳларга бўлиб тасниф қилдик:

1.Тарихий мавзудаги ҳикоялар. Бу туркумга “Қазо бўлган намоз”, “Тўхтабойнинг бойликлари”, “Оқ либос”, “Жоди”, “Умид гули” ҳикояларини киритишимиз мумкин.

2.Биографик мазмундаги ҳикоялар туркумига “Онам, жияним, мен”, “Кўчиш”, “Ҳашарчилар”, “Алам” ҳикоялари мисол бўла олади.

3.Фалсафий-рамзий руҳдаги ҳикоялар: “Жажман”, “Жимжитхонага йўл”, “Ўн биринчи эшик”, “Қоялардан баландда”, “Саф”, “Қичкирик” деб номланади.

4.Маиший-ижтимоий мавзудаги ҳикоялар: “Маҳзуна”, “Этакдаги уй”.

5.Муҳаббат мавзусидаги ҳикоялар: “Оқимга қарши оққан гул”, “Жозибба”, “Беозор қушнинг фарёди” каби ҳикояларни мисол келтириш мумкин.

6.Ғайриоддий ҳодисалар асосига қурилган ҳикоялар: “Шабада”, “Васий” номлари билан битилган.

7.Оғзаки ҳикоялар: “стол”, “чироқ”, “дарахт”.деб аталган.

Адибнинг тарихий мавзуда ёзган ҳикояларидан бири “Қазо бўлган намоз” деб номланади. Асарда Россия истилосининг дастлабки даврларида ўзбек халқининг бошига тушган оғир кунлар ҳақида ҳикоя қилинган. Муаллиф мустамлака бўлган халқ фожиасининг сабабларини ёритиб берган. Тарихий асарлар ҳақида фикр билдирган адабиётшунос Б.Раҳимова шундай ёзади: “Бу асарларнинг ўзига хослиги шундаки, улардаги қаҳрамонлар фаолияти ўзлари мансуб давр воқелиги билан уйғунликда тасвирланади. Шу боис улар, бир томондан, ўз даврининг фарзанди, иккинчи томондан, илғор дунёқарашлари ва юксак идеаллари билан тарихан ўз замонасидан илгарилаб кетган сиймолар сифатида гавдаланадилар”<sup>14</sup>. Кўринадики, тарихий шахс

<sup>14</sup>Раҳимова Б. Ўзбек адабиётида Паҳлавон Маҳмуд образи: Фил.фан.номз. дисс. – Т.: 2007. – Б.12.

яшаган, фаолият кўрсатган мухитига кўпроқ эътибор қаратиш йирик сиймолар образини яратишнинг муҳим томонидир. Ҳикояда Миркомилбой тарихий образи, унинг характери, ўзига хос индивидуал хусусиятлари ўзи яшаган давр воқелиги билан боғлиқликда ифодалаб берилган. Шунингдек, муаллиф қаҳрамон характерини очиб беришда намоз тасвиридан унумли фойдаланган. Дунё ташвишларидан, жамиятнинг ноҳақ зулмларидан чарчаган Миркомилбой ҳикоя сўнгида икки ракат намоз ўқимоқчи бўлади. Яъни у намозда, Оллоҳ билан юзма-юз қолганда ўз ҳаловатини, хотиржамлигини топади. Бунга ўхшаш эпизодни муаллифнинг “Тўхтабойнинг бойликлари” ҳикоясида ҳамда “Ёлғиз” қиссасида ҳам учратиш мумкин. “Ёлғиз” қиссасида Қодирий қамалган даврида ўй-хаёлларида кўпроқ Юсуфбек хожи билан суҳбат куради, баъзида кўз ўнгида Отабек қиёфаси гавдаланади. Шундай пайтларда узоқлардан қулоғига азон товуши эшитилади. Азон бу ўринда Қодирий қалбидаги нажот вазифасини ўтаган.

Хуршид Дўстмуҳаммад шарқ ва ғарб адабиётининг билимдони сифатида унинг ижодида бошқа халқлар адабиётидан таъсирланиш, адабий муштараклик сезилади. Адибнинг “Жимжитхонага йўл” деб номланган ҳикояси италиялик ёзувчи Дино Буцаттининг “Етти қават” ҳикояси таъсирида ёзилган. “Етти қават” ҳикоясининг бош қаҳрамони Дино Корте, “Жимжитхонага йўл” ҳикоясининг қаҳрамони Зоҳид Яқин образлари талқинида Ғарб ва Шарқ одамининг табиати, руҳияти тасвирлаб берилган. Хуршид Дўстмуҳаммад ўз қаҳрамонига рамзий маъно юклайди. Зоҳид Яқин – шукроналик, сабр-тоқат рамзидир. Зоҳид Яқин юқори қаватга кўтарилган сари тана соғлиги ёмонлашиб борса ҳам, аммо маънавияти юксалиб бораверади. Еттинчи қаватга етганида эса бу қаватнинг оппоқ нурга буркангандай туйилиши, абадий ҳаётга Яратганнинг ҳузурига ёруғ юз билан кетаётганлигига бир ишорадир. Дино Корте бўлса юқори қаватдан пастки қаватларга тушиш жараёнида норозилиги ортиб, биринчи қаватга келганида ҳаммаёқни зулмат қоплаб олади. Яъни, Корте учун бу дунё билан ҳаёт тугайди, у йўқликка шўнғиб кетади. Қ.Йўлдошев таъбири билан айтганда, “Ботиш вақилини ўлим маҳв этади, Чикиш аҳлини ўлим юксалтиради, мақсадга яқинлаштиради”<sup>15</sup>. Ушбу ҳикоя ҳақида адабиётшунос олим Б.Каримов шундай ёзади: “Хуршид Дўстмуҳаммад ва Дино Буцаттининг ҳикояларида ҳаёт ва ўлим ҳодисаси рамзий усулда тасвирланади. Икки қаҳрамон икки хил кайфиятга эга”<sup>16</sup>. Асарда ўлим тасвири очик-ойдин баён қилинмай, балки баъзи бир деталлар орқали унга ишора қилинган. Зоҳид Яқин ётган каравотнинг ярмигача оқ сурп ёпилиши ҳамда каравот атрофининг қирмизи бахмал билан айлангириб ўралиши тобутни эслатади. Тобут эса ўз навбатида ўлимни ёдга солади. Мана шундай оқ сурп, қирмизи бахмал, каравот каби деталлар ёзувчи фикрини ифодалашга хизмат қилган.

<sup>15</sup>Йўлдошев Қ. Ёниқ сўз. – Т.: Янги аср авлоди, 2006. – Б.137.

<sup>16</sup>Каримов Б. Руҳият алифбоси. – Т.: Ғафур Ғулом, 2018. – Б.41-42.



Ёзувчи Д.Буцаттининг қаҳрамони юқоридан пастга тушади, вафот этади, қоронғулик қаърига сингиб кетади. Х.Дўстмуҳаммад қаҳрамони эса ўлим яқинлашган сари юқорига кўтарилади, юксалади, хонани ёруғлик коплаб олади. Демак, ҳикояда инсон маънавияти, руҳияти улуғланган.

Адибнинг мажозий-фалсафий мавзуда ёзилган “Қоялардан баландда” ҳикоясида бургут образи орқали табиат ва инсон муносабатлари акс эттирилган. Асарда кўнғир бургутнинг тоғу тошларда ўтаётган сўнгги кунлари, сўнгги аламли оғриқлари баён қилинган. Ҳикояда бургут куч-қудрат, жасурлик, оила рамзи, ўз тақдири ва эркининг эгаси сифатида қадрланади. Бургут ўзининг куч-қудратига, мулкига ишонган, кибрга берилган ва шу билан биргаликда ҳаётининг сўнги дамларида унга берилган чексиз неъматларни англаб етган инсон образидир. Ёзувчи ҳаётнинг, яшашнинг, бизга берилган неъматларнинг чексизлигини англаган дақиқаларимизгина умрнинг ҳақиқий мулкидир, деган ғояни асар моҳиятига сингдирган.

Адибнинг “Шабада” деб номланган ҳикоясида глобаллашиб бораётган ҳаётнинг инсонлар онгу шуурига, турмуш тарзига таъсири ва уларнинг оқибатлари ҳақида ёзилган. Ҳаётнинг имтиҳон эканлигини эслатувчи ушбу ҳикояда маънавий таназзулга юз тутган инсон образи, унинг туйғулари, фикрлари ҳақида сўз боради. Бундай муаммоларни муаллиф ҳикоядаги образлар воситасида бадий тадқиқ этади. Ҳикоянинг уч ўрнида қўлланилган олов деталлари: ичига сув тўла чойнакнинг бирдан ёниб кетиши, оппоқ чойшабнинг чеккаси тутаб ёниши, электр токи ўчиб қолган пайтда чироқ симидан олов чиқиб, қасрдек уйнинг катта ёнғин ичида қолиши гуноҳлар учун берилган жазодир. Яъни ёзувчи бир оиланинг барбод бўлиши аршни ларзага келтиради, бу ҳодисаларнинг бари ларзанинг шабадаси, холос, деган ғояни илгари суради. Асарда оила – муқаддас эканлиги, ҳар бир қилинган ишнинг жавоби борлигини инсониятга яна бир бор уқтириш борасидаги ёзувчининг қарашлари умуминсоний қадриятлар даражасига кўтарилган.

Бобнинг иккинчи фасли “**Адиб ҳикояларида психологик тасвирнинг ўрни**” деб номланган. Ушбу фаслда Хуршид Дўстмуҳаммад ҳикояларида қаҳрамон руҳияти, унинг ботиний оламини тасвирлаш усуллари, шакллари, тадқиқ қилинган. Адибнинг “Саф”, “Онам, жияним, мен”, “Васий”, “Жоди”, “Ёлғизим – сиз”, “дарахт” каби ҳикоялари бадий-психологик нуқтаи назардан таҳлил қилинган.

Инсон психологияси, шахс онги ва фаолияти масалалари юзасидан илмий тадқиқотлар олиб борган олим С.Л.Рубинштейн инсон руҳиятининг тасвири ҳақида қуйидагича ёзади: “Сўз санъаткори қаҳрамон психологиясини тасвирлар экан, айнан унинг кечинмалари – ўсиш-камолотга эришишдаги индивидуал йўлини ҳаётининг бурилиш паллалари сифатида ёритишга интилишлари бежиз эмас. Бинобарин, инсон кечинмалари – бу унинг реал ҳаётининг субъектив томони, шахс умр йўлининг объектив

аспектидир”<sup>17</sup>. Шу нуқтаи-назардан қараганда, инсон руҳиятидаги ишонч, қувонч, маълум воқелик сабаб қалбда кечган изтироблар, оғриқлар, фикр ва ҳислар оқимининг ривожиди адиб ижодида эстетик жиҳатдан юксак ва мазмундор қатламни ҳосил қилади.

Психологик таҳлилда инсон руҳияти, туйғуларини тасвирлашни ички (ички монолог, хотира, ассоциациялар ва тасаввур образлари) ва ташқи (муаллиф нутқи, мимика ва психикага доир бошқа ташқи кўриниш ҳолатларининг ҳиссий ўзига хослигини намоён қилиш) шаклларга ажратиш мумкин. Умумий айтганда, ёзувчи ҳисларнинг объектив кечиш жараёнига халакит бермасдан, қаҳрамон ички дунёсида кечаётган тебранишларни ифодалайди. Хуршид Дўстмуҳаммад насрида қаҳрамон психологиясининг тасвирида ички ва ташқи омиллардан бирдек фойдаланилган. Адиб ижодининг дастлабки босқичдаги ҳикояларида қаҳрамон кўпроқ ташқи кўриниш шакллари, яъни кучли ҳаяжон, қаҳрамон ичидаги хавотирни, кўркунни ифодалашда жамики аъзоларнинг иштироки: “титраш”, “қалтираш” воситаси орқали тасвирланган. “Йигит дағ-дағ қалтираган қўллари билан нарвонни тутган чоғида жувон мувозанатини тиклади”<sup>18</sup>, “Телефон бехосдан ва қаттиқ жиринглади, ошхонани йиғиштираётган Махзуна биров туртиб юборгандек чўчиб кетди, артаётган ликопчани қўлидан тушириб юборди”<sup>19</sup>.

Ёзувчи ижодининг кейинги босқичдаги ҳикояларида қаҳрамоннинг хотираларга берилиши, руҳиятнинг ёлғизликка мойиллиги, ўз-ўзини тафтиш қилиши, ўзининг қалбига, кўнглига қамалиб олишини кузатишимиз мумкин. Ички монолог, хотиралар оқими, сукунат, ўйлаш, мулоҳаза юритиш, психологик портрет, туш, пейзаж, ички нутқнинг диалогизми, рамзлар орқали қаҳрамон психологияси очиб борилади. “Қазо бўлган намоз”, “Ёлғизим – сиз”, “Беозор қушнинг фарёди”, “Жим ўтирган одам”, “Қичқирик”, “Жоди” каби ҳикоялари фикримизнинг далилидир.

Инсон руҳиятининг билимдони, тадқиқотчиси сифатида Хуршид Дўстмуҳаммад ўз асарларида турли тоифадаги инсонлар табиатини, туйғуларини ифодалайди, кайфиятнинг сабаб-оқибатларини тафтиш қилади. Носир инсон ва унинг қалби, жамиятда тутган ўрни, фикрлари, мураккаб туйғулари ҳақида ёзади. Шундай ҳикоялардан бири “Жоди” деб номланган. Муаллиф урушда енгилган Франциянинг шон-шуҳратини тиклаш йўлида мудҳиш хатоларга йўл қўйган Жозеф Гильотиннинг ҳаёт йўли, унинг индивидуал психологик хусусиятларини маҳорат билан ёритиб берган. Ҳикояда қаҳрамоннинг қамоқхонадаги сўнгги кунлари тасвирланган.

Бадиий тасвирнинг муҳим воситаларидан бири портрет “Жоди” ҳикоясида қаҳрамон руҳиятини очишда катта роль ўйнаган. “Бадиий асарда портретнинг вазифалари турлича бўлади. Бироқ портретнинг энг муҳим

<sup>17</sup>Рубинштейн С. Л. Основы общей психологии. – Питер, 2000. – С.13.

<sup>18</sup>Дўстмуҳаммад Х. Васий // Беозор қушнинг қарғиши. – Т.: Шарқ, 2006. – Б.89.

<sup>19</sup>Дўстмуҳаммад Х. Махзуна // Беозор қушнинг қарғиши. – Т.: Шарқ, 2006. – Б.126.

характери, унинг кўпроқ психологик портрет бўлишидадир”<sup>20</sup>. Психологик портрет ёзувчига қаҳрамоннинг ташқи қиёфаси орқали унинг рухий дунёсини очишга ёрдам беради. Муаллиф ҳикояда қаҳрамон ташқи кўринишини бирданига тўлиқ бермайди, балки бутун асар давомида қисқа жумлалар орқали кўрсатади, яъни бўлакларга бўлади. Бунинг ўзига яраша сабаблари бор, чунки тугал тасвирланган портрет тасвирида қаҳрамоннинг ички дунёси мукамал ифодасини топмаслиги мумкин. “Ҳамон тик турган – оқ-сарикдан келган, юзлари хийла сўлғин, лекин ботиний хотиржамлик ва ишонч далдасида ўзини бардам тутишга ҳаракат қилаётгани сезилаётган кекса маҳкум ёнгинасидаги курсида бошини солинтирганича ўтирган шеригига савол назари билан қаради”<sup>21</sup> Дастлаб Жозеф Гильотин китобхонга ана шундай таништирилади. Кейин унинг ҳорғин чехраси, ўйчан нигоҳи, мийиғида кулгилари, кўзойнаги остидаги хушбичим бурни, ҳаракатлари, муомаласи воқеалар ривожини давомида бериб борилади. Ёзувчи портрет тавсифини кенгайтирган сари қаҳрамоннинг ички дунёсини очиб беради, натижада ҳар бир портрет детали психологик моҳият касб этади.

Инсон руҳияти сирли бир олам. Энг сара асарлардагина унинг маълум бир қирраси акс эттирилади. Хуршид Дўстмуҳаммад ҳикояларида қаҳрамоннинг ички олами, туйғулари турфа рангларда ўз ифодасини топган.

